



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI SHO‘RCHI TUMANI HOKIMINING
QARORI

Sho‘rchi tumani, Mustaqillik ko‘chasi 72-uy. 191500 tel.: (+99876) 457-41-00, shurchi_t@exat.uz

20 21-y “ 9 ” aprel

Қ-719 -son

Sho‘rchi t.

Шўрчи тумани “Боботоғ” СИУ худудидаги туман захира ерларидан фуқаро Худойбердиев Жамшидга боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун узоқ муддатли ижарага ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.Фаниевнинг 2020 йил 22-28 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига таърифи давомида берган топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-11-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжалиқларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан фуқаро Худойбердиев Жамшиднинг туман ҳокими номига ёзган аризасини ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 мартдаги 78-сонли йиғилиш баённомасига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 мартдаги 78-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Туманнинг “Боботоғ” СИУ худудидан фуқаро Худойбердиев Жамшидга боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун туман захира ер фонди ҳисобидаги 86-87қ-89-90-91-98қ-контурларидаги жами 35,0 гектар (шундан 35,0 гектар яйлов) ер майдонлари 49 йил муддат билан ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Х.Мамараимов)га фуқаро Худойбердиев Жамшидга узоқ муддатли ижарага ажратилган ер майдонини жойида чегараларини белгилаб бериш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш ва тегишли хўжалиқлар ер ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

4. Янги ташкил этилаётган боғдорчилик фермер хўжалиги раҳбари Худойбердиев Жамшидга 10 кун муддат ичида Давлат солиқ инспекциясидан, туман Статистика бўлими, туман давлат хизматлари марказидан, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан, туман Қишлоқ хўжалиги бўлимидан рўйхатдан ўтиш ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари О.Шерназаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Худойберганов